Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 162 (7652). ● 25 август, 1981 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ЙИҒИМ-ТЕРИМ БОШЛАНГУНГА ҚАДАР ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК.

● ДЕФОЛИАЦИЯНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ УЧУН ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИНГ.

● ҲОСИЛ ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК.

● КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА ХИРМОН ЖОЙЛАР, ПЎЛ, ҚУПРИҚЛАР, ТОШ-ТАРОЗУЛАР ТАХТ БЎЛСИН.

● ТЕРИМ МАВСУМИДА ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА МАДАНИЙ, МАИШИЙ, САВДО ВА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИНИ НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК. ДАЛАДА ИШЛАЁТГАНЛАР УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРАЙЛИК.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак билан, ВСИП Марказий Комитети биринчи секретари Я. Кадар, РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раиси Э. Хонеккер, БКП Марказий Комитети Бош секретари, БХР Давлат Кенгаши Раиси Т. Живков, МХРП Марказий Комитети Бош секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиуми Раиси Ю. Цеденбал, ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари С. Каня, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ПХР Министрлар Совети Раиси ва мудофаа министри В. Ярузельский билан 1981 йилнинг июль—августида Қримда ўтказган учрашувлари якунларини кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ Л. И. Брежневнинг фаолиятини, у ўтказган суҳбатларнинг натижаларини тўла-тўкис маъқуллаб, шу суҳбатларда қатнашган қардош партиялар ва мамлакатларнинг раҳбарларига миннатдорчилиқ изҳор этади.

Учрашувлар чоғида социалистик давлатлар ҳамкорлигини ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари муҳокама қилинди. Эришилган аҳдлашувларнинг амалга оширилиши тегишли мамлакатларнинг муваффақиятли ривожланишига, социалистик ҳамдўстлик бирлиги ва жипслигининг мустаҳкамланишига сўзсиз ёрдам беради. Ҳамма соҳаларда социализм мамлакатлари алоқаларининг кенгайиши Коммунистик ва ишчи партияларнинг бўлиб ўтган съездлари ўртага қўйган бунёдкорлик вазифалари тўла-тўкис амалга оширилишининг муҳим-шартларидан бири ҳисобланади. Бу вазифалар қардош давлатларнинг шу ҳамкорлигида қатнашувчи ҳар бир мамлакатнинг миллий экономикасини юксалтиришга, миллий фаровонлигини ўстиришга хизмат қилиб келди ва бундан буён ҳам хизмат қилаверади.

Ҳозирги пайтда социалистик мамлакатларнинг кўпчилиги экономикани интенсивлаш вазифасини биринчи ўринга қўймоқда. Бу вазифа биринчи навбатда миллий кучғайратлар ҳисобига ҳал этилади. Бунда социализм мамлакатларининг икки томонлама заминдаги, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги ҳамкорлигининг аҳамияти мутасил ошиб боради. Социалистик давлатлар умуман энергетика қувватларини ошириш, машинасозликда сифат жиҳатидан янги даражага эришиш, халқ истеъмоли моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабларни тўла қондириш каби туб халқ хўжалик проблемаларини ҳал этиш имкониятларига эгадирлар. Социалистик иқтисодий интеграциянинг тараққиёти, халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бораётганлиги айни шу мақсадларга қаратилган.

Шу беш йилликда социализм мамлакатларининг ҳам илмий-техник тараққиёт учун, ҳам халқ фаровонлигини ошириш учун база ҳисобланган иқтисодий бўғинлардаги ҳамкорлиги айниқса кенг қулоч ёймоқдаки, буни 1981 йил Қримда бўлиб ўтган учрашувларнинг якунлари тасдиқлайди.

СССР территориясида газ қувурлари, бошқа муҳим объектларни қуришда, шунингдек совет енгил саноати ва озиқ-овқат саноатини реконструкция қилиш ва янгилашда ҳам социалистик мамлакатларнинг қатнашуви кўзда тутилган.

Социалистик мамлакатлар янги жамият қуришда юксак марраларни қўлга киритдилар. Шу билан бирга бир қанча сабабларга кўра уларнинг олға боришлари қийинчиликлардан ҳоли эмас. Халқ Польшаси кескин танглик ҳодисаларига дуч келди. Социалистик тараққиёт практикаси Коммунистик партия учун партия ҳаётининг ленинча нормаларига қатъий амал қилиш, омма билан алоқаларни мустаҳкамлаш, социалистик демократияни такомиллаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, капиталистик давлатлардан ортиқча қарздор бўлишга йўл қўймай реал имкониятлардан оқилона фойдаланиш, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш, революцион ҳушёрлик кўрсатиш, антисоциалистик кучларга қарши ўз вақтида қатъий зарба бериш қанчалик муҳим эканлигига такрор-такрор ишонтиради.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро муносабатларида уларга ўз манфаатлари тўғрисидатина эмас, шу билан бирга дўстлари ва иттифоқчиларининг манфаатлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш хислатлари хосдир. Миллий худбинликка ёт бўлган бундай чин ўртоқларча, қардошларча ёндашув социалистик мамлакатлар иқтисодий ёки бошқача тартибдаги гоят мураккаб проблемаларни бемалол бартараф этишларида уларга ёрдам беради.

Социалистик мамлакатлар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаб борганликлари ҳолда дунёдаги бошқа мамлакатлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришга ҳам тайёрдирлар. Бундай алоқалар камситиш ва сиёсий тазйиқ бўлмай, ҳақиқий тенг ҳуқуқлилик ва томонларнинг манфаатларини ўзаро ҳурмат қилишнинг соғлом ва барқарор асосларига қуриладиган бўлса, ҳамма қатнашчиларга ҳам реал фойда келтиришни таъминлаши мумкин. Инсоният олдида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жаҳон океани ва космик фазони тадқиқ этиш ва ўзлаштиришдан тортиб то ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қадар гоят муҳим проблемаларни ҳал этишда ҳам бундай алоқалар жуда зарурдир.

Қримда бўлиб ўтган учрашувлар қардош партиялар ва мамлакатларнинг тинчликни ва халқларнинг эркин, мустақил ривожланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига оғишмай содиқ турганликларининг яна бир яққол далили бўлди.

Империалистик доиралар, аввало Америкадаги империалистик доиралар халқаро кескинликни кучайтириш билан уни социалистик мамлакатларга, ривожланаётган давлатларга тазйиқ кўрсатиш воситаси деб билмоқдалар. НАТО блокининг Американинг ўртача олисликка учадиган ракета-ядро воситаларини ишлаб чиқариш ва уларни Ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисидаги маълум қарори, АҚШ ва шериклари ҳарбий бюджетларининг кўпайтирилиши, Рейган маъмурияти нейтрон қуролини ишлаб чиқариш тўғрисида қабул қилган қарор, танглик вазиятларини доимо кескин ҳолда тутишга бўлган уринишлар, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш ниятёки — империалистларнинг социалистик давлатлар ва бошқа қўпгина давлатлар хавфсизлигига таҳдид солувчи барча мана шу ҳаракатлари кескинликни юмшатиш жараёнини тўхтатишга олиб келди, халқаро сиёсий иқлимни умуман ёмонлаштириб юборди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тинчликни мустаҳкамлашни, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва тўхтатишни, танг вазиятларни музокаралар олиб бориш билан одилона бартараф этишни мақсад қилиб қўйган равшан, изчил йўлни империализм йўлига қарши қўймоқдалар. Пекиннинг тутаётган сиёсати империализмнинг шу йўли билан тобора чамбарчас туташиб кетмоқда. Социалистик мамлакатлар социал системаларя турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар айниқса ҳозирги ядро асрида тинч-тотув яшаш принциплари асосида бўлмоғи керак, деб ҳисоблайдилар. Бу принциплар ҳарбий зиддиятлар даражаси пасайтирилишини, доимо амалий мулокот олиб борилишини, ўзаро манфаатли тинч ҳамкорлик ривожлантирилишини кўзда тутади.

КПСС нинг XXVI съезди 80-йилларга мўлжаллаб олға сурган тинчлик программасида айни шундай сиёсат белгилаб берилган бўлиб, қардош социалистик мамлакатлар ҳам шу сиёсатга қўшилмоқдалар ва турли сиёсий доиралар ҳамда кенг халқаро жамоатчилик бу сиёсатни ҳар томонлама тушуниб кутиб олмоқда.

Баҳсли халқаро проблемаларни ақл-идрок ва адолат билан ҳал этиш мумкин, лекин бунинг учун зўравонлик тили ёки куч ишлатиш билан дўқ қилиш тўғри келмайди. Социалистик мамлакатлар ўз ҳаётий манфаатларини ҳимоя этмоқ учун зарур бўлган ҳамма нарсаларга эгадирлар ва бу жиҳатдан ҳамма зарур ишларни қилаверадилар. Шу билан бирга улар тинчлик неъматлари ҳамма мамлакатларга, ҳамма халқларга керак, деб ҳисоблаб келдилар ва ҳозирда ҳам шундай деб ҳисобламоқдалар. Тинчлик —умумий мулкдир, уни ҳимоя қилиш, уни мустаҳкамлаш барча давлатларнинг муштарак иши бўлиб қолмоғи керак.

Социалистик мамлакатлар халқаро ишларнинг ҳозирги аҳволидан ташвишда бўлиб, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга интилаётган барча кучлар билан мулоқот ва ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар. 1981 йил Қримда бўлиб ўтган учрашувларнинг якунлари шундан яққол далолат беради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Қримдаги учрашувлар натижасида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ташқи сиёсати лозим даражада мувофиқлаштириб олинди, деб қайд этади. Бу нарса социалистик давлатларнинг жаҳондаги ҳозирги сиёсатнинг барча энг мураккаб ва қалтис проблемаларига тааллуқли тинчлик ташаббуслари олға силжишига шубҳасиз кўмаклашади.

Социалистик мамлакатлар бир-бирлари билан икки томонлама, шунингдек кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлаб, Варшава Шартномаси ташкилоти билан ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятини такомиллаштириб, тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан дадил олға бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тегишли идоралар ва ташкилотлар зиммасига 1981 йилги Қрим учрашувлари якунларида эришилган аҳдлашувларни амалга оширишнинг зарур чораларини кўриш вазифасини юклади.

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ САЙЁР КЕНГАШИ

Бу йилги шароитда ғўза дефолиациясини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Ўтган шанба ва якшанба кунлари бўлиб ўтган область пахтакорлар Советининг сайёр йиғилишида ана шу масала кўрилди.

Областимизнинг колхоз ва совхозларида бўлиб, ғўза парваришининг аҳволи билан танишган Совет аъзолари бу муҳим агротехника тадбирини вақтида ўтказиш ва яхши самараларга эришиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Сайёр кенгашнинг Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда область пахтакорлар Советининг раиси **М. Исматов** раислигида бўлиб ўтган якунловчи йиғилишида Ўрта Осиё пахтачилик илмий-текшириш институтининг директори **А. Имомалиев**, Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Т. Исломов**, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози директори **Т. Каримов**, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси **М. Рўзиматов**, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **С. Тошқулов** ўртоқлар сўзга чиқиб, дефолиацияни ўтказиш бўйича қимматли таклиф ва мулоҳазаларини, тавсияларини ўртага ташладилар.

Сайёр кенгаш ишини область ижроия комитетининг раиси **Т. Алимов** иштирок этди.

[Кенгашда дефолиацияни ўтказиш бўйича қабул қилинган тавсиялар газетанинг навбатдаги сонларида эълон қилинади].

СУРЪАТНИ ОШИРАЙЛИК

22 августда Тошкент область партия комитетининг ўн биринчи беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатини ошириш ҳамда қолоқларсиз ишлашни таъминлаш бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни доимий комиссия раиси область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский олиб борди.

Мажлисда область саноатининг январь — июль ойлари ва якунлари ҳамда январь—август ойларида кутилаётган натижалар кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Комиссия корхона ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича январь — август планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрган чоралари ҳақидаги аҳборотларини ҳисобга олишга қарор қилди.

Мажлисда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов иштирок этди.

МАККАЖЎХОРИДАН МЎЛ ҲОСИЛ







САБЗАВОТКОРЛАР РАПОРТИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бошлиқ сабзавотчилик-картошкачилик бригадаси аъзолари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга 2434 тоннага яқин сабзавот ва картошка топширилиб, 1981 йил учун қабул қилинган социалистик мажбурият муддатидан илгари ошиғи билан адо этилди.

Уста сабзавоткор бошлиқ аҳил коллектив бу йил, айниқса, картошкадан мўл ҳосил етиштирди. 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 125 центнер ўрнига 200 центнердан сифатли картошка ҳосили йиғиштириб олинди. Шунингдек, бу бригадада ҳар йили эртаки карамдан ҳам мўл ҳосил олинади. Бу йил давлатга қарам сотиш йиллик плани 243,7 процент қилиб адо қилинди. Бу социалистик мажбуриятда белгиланганидан ҳам анча кўпдир.

Қўлга киритилган бу катта ютуқ бригада аҳлини янги зафарларга ундади. Улар мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, Улуғ Октябрь байрамигача яна 450 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилдилар.

ОЛМАЛИҚ химия заводидаги СК-40 мосламасини қуришда иштирок этаётган қурилиш ва монтаж ташкилотлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ишда маълум ютуқларга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети Олмалиқ химия заводи СК-40 мосламасини қуришда июль ойи иш якунлари бўйича Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Средазтепломонтаж» трестининг «Тепломонтаж» қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи (бошлиғи ўртоқ Кац, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Корниенко, қурилиш касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Ритвин, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Сатторова) мусобақа голиби деб топилди. Бу коллектив планни 147 процент, ишлаб чиқаришни 118 процент бажарган.

Ғолиб коллективга Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ва 500 сўм пул мукофоти топширилди.

Шунингдек, Олмалиқ химия заводи СК-40 мосламаси қурилишида июлда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, «Ўзбекшахтострой» трестининг 1-кўчма механизациялашган колоннаси (бошлиғи ўртоқ Муравицкий, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ковалева, қурилиш касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Резникова, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Имонқулов) коллективининг яхши ишлаганлиги қайд қилинди.

* * *

АНГРЕН керамика комбинатида «Пол учун сопол плиталар ишлаб чиқаришни кенгайтириш» объекти қурилишида иштирок этаётган қурилиш ва монтаж ташкилотлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маълум ютуқларга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети Ангрен керамика комбинатида «Пол учун сопол плиталар ишлаб чиқаришни кенгайтириш» объекти қурилишини тезлаштириш бўйича мусобақада июль иш якунларига кўра Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 15-кўчма механизациялашган колоннаси (бошлиғи ўртоқ Лернер, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Хой, қурилиш касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Аликина, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Атаев) коллективини мусобақа голиби деб топдилар. Улар планни 106 процент, ишлаб чиқаришни 104 процент бажарилишини таъминладилар.

Бу коллективга Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 1000 сўм пул мукофоти топширилди.

Ангрен шаҳар ижроия комитетига 15 кўчма механизациялашган колонна коллективига ишлаб чиқариш илғорига сотиш учун бозор фондидан битта енгил автомашина ажратиш топширилди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ЯНГИЙЎЛ районидаги Х. Турсунқулов номли колхознинг Хошимбек Қосимов бошчилик қилаётган маккажўхоричилик бригадаси аъзолари дон учун экилган маккажўхори ўрим-йиғимини қизғин бошлаб юбордилар. Улар 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан «қаҳрабо дон» йиғиштириб олиш мажбуриятини олишган. Суратларда: (ўнгда) бригаданинг илғор механизатори Жўра Раимжонов; (чапда) маккажўхори ўрим-йиғим пайти.

А. Абалян фотолари.

МУҲИМ ИШ ҲАҚИДА ОШКОРА, ПАРТИЯВИЙЧАСИГА СУҲБАТЛАШАЙЛИК

КОЛЛЕКТИВ КЎЗ ЎНГИДА

Ҳамма ишни омма кўз ўнгида бажариш, маъмурият ва ишчиларнинг завод ёки қурилиш тақдирини ҳамкорликда ҳал қилиш, ошкораликни ҳамма вақт эсда тутиш, коллектив иродасини ҳисобга олиш — бизнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларимиз нормаси бўлмоғи лозим. Бу ленинча талаблар ҳаётга қандай тадбиқ этилаётганлиги тўғрисида тошкентлик таниқли ишчи мулоҳаза юритади.

Суҳбатни Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий ревизия комиссияси аъзоси Н. МАННОПОВ олиб боради.

Бизнинг Шарқда қадим-қадимдан бошқа ўлкаларда учрамайдиган маъмурий бирлик — маҳалла мавжуддир. Бу унча катта бўлмаган уй-жойлар райони бўлиб, унда истиқомат қилувчиларни территориянинг умумийлигигина эмас, балки қўни-қўшничиликнинг қадимий ришталари, тақдирларнинг ўхшашлиги, кўп соҳли оилавий ва қариндош — уруғчилик алоқалари бирлаштириб туради. Маҳалла ўз-ўзини бошқарувчи организмдир. Бу ерда кўпгина муаммолар ўзаро ҳамкорликда ҳал этиладн, бу ерда қўшни қўшнисининг чақиришини кутиб ўтирмай, ёрдамга шошилади. Мен ўзим шундай маҳаллалардан бирида яшаганим учун, тан олишим керакки, бу ҳақда шунчаки гапираётганим йўқ.

Менинг анча зеҳнли, тиришқоқ, ҳушрўй шогирдим бор эди. У бир йилга яқин қанотимда юрди. Ишлари яхши эди. Кунларнинг бирида эрталаб цех бошлиқлари уни олдимизга олиб келиб, қадрли ўртоқлар, мана сизга янги мастер, уни ҳурмат қилишингизни, айтган ишларини бажаришингизни сўраймиз, дейишса бўладими. Биз, ундан қандай қилиб мастер чиқиши мумкин, деб ҳайрон бўлдик. Чунки унда на турмуш, на ишлаб чиқариш тажрибаси, на одамларни бошқариш кўникмаси, на старли даражада мустаҳкам технология билими бор эди. Касб маҳорати асносида исталган оддий слесарь ундан анча баланд юрарди.

Биз нима учун шундай аҳвол рўй берганлигини, нима учун ҳеч ким биз билан маслаҳатлашмаганини — йўлай бошладик. Хўп, айтайлик, у ерда, «юқорида» мастерликка номзодни унинг ишчанлик ҳусусиятларини билмай ортиқча баҳолаб юборишгандир. Лекин биз биладиккку. Демак шундай экан, цехга, устози олдига келишиб, маслаҳатлашишса бўлмасми-ди. Ахир мураббийси, таъбир жоиз бўлса шогирдининг қандайлигини ичидан-игнасигача биларди-ку. У билан ёнмаён ишлаган кишиларга, хўш, ўртоқлар, танлаган кишимизда янглишмадикми, дейишса бўлмасмиди. Негаки, ишчи коллективи ҳам ўзига хос маҳалла бўлиб, у биргалиқдаги меҳнат ришталари билан янада мустаҳкамроқ боғлангандир. Бу ердаги муносабатларнинг асосини коллектив масъулияти ташкил қилади. Кенг ошкоралик, хабардорлик бўлмаган бундай коллектив эса ўз аҳамиятини йўқотади.

Мен КПСС XXVI съезди делегати бўлиб, Леонид Ильич Брежневнинг, мамлакатимиз меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда янада фаолроқ қатнашишлари керак, деган сўзлари қалбимга ўтмир таъсир қилганлигини яхши эслайман. Мана бу сўзларга эътибор қилинг-а. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш! Ахир бу совет демократиямизнинг, социалистик тузумимизнинг буюк ғалабаси-ку. Кишилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, давлатимиз бошлиғи сўзлари билан сиз билан бизга, оддий меҳнатчиларга, сизлар ўз заводингиз, ўз қурилишингиз ишларини ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлиб қолмасдан, балки ҳал қилишга мажбурсиз дейишмоқда. Сизни кимдир ўртага ташлаган лойиҳани қабул қилиш, тайёр қарор, таҳрир қилинган резолюция учун овоз беришга таклиф қилишларини кутманг, ўзимиз қарорлар қабул қилишни ўрганишимиз, раҳбарлар билан бирга қарорларнинг бажарилиши учун коллектив масъулиятини бўйинимизга олишимиз керак.

Сиз билан биз яхши биламизки, бу масалалар кўпинча бошқача тарзда ҳал этилаяпти. Ҳар биримизга ва умуман ишлаб чиқаришга бевосита тааллуқли масалалар ҳал этилаётганда, гўё булар бизга тегишли эмасдай, жим ўтираверамиз. Бунинг сабабини икки хил тушуниш мумкин: ё менга нима қабилида бу ишни ҳал қилишда иштирок этишни истамаймиз, ё раҳбарлик бу масалаларга бизни аралаштирмайди. Эҳтимол улар, ишчиларнинг бу нарсага ақли етмайди, деб ҳисоблашар. Шуниси ҳам сир эмаски, бизда шундай бошлиқлар ҳам борки, улар учинчи даражали масалаларнигина ишчи коллективида муҳокама қилдирадилар, ҳақиқий, муҳим, асосий қийин масалаларни ўзларича ёки тор доирада ҳал этиб юборадилар. Масалага бундай ёндашишнинг қандай оқибатларга олиб келишини мисолларда исботлашга уриниб кўраман.

Ўзбекистонда «Ташхимсельмаш» заводи бор. Ёмон эмас. Қайсидир даражада илғор коллектив ҳам. Лекин корхонани ишлаб чиқариш техникавий жиҳатдан реконструкциялаш ва социал ривожлантириш планларини шакллантиришга киришаётганда завод раҳбарлари бу планларни ишчиларнинг кенг муҳокамасига қўйишга, унга касаба союз активларини, ишчилар оммасини жалб қилишни лозим кўрмадилар. Планларнинг социал параграфлари ишончсиз, бошқа масалалардан узилиб қолган ҳолда тор бўлиб чиқди. Натижада корхона шу пайтгача ўзининг на уй-жой фондига, на болалар богчасига, на дам олиш зонасига, на пионер лагерига эга. Бу ерда кадрлар қўнимсизлиги долзарб масала бўлиб қолганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Мен суҳбатнинг бошида айтганим ўша собиқ шогирдимни олайлик. У ҳаммамиз учун кутилмаганда, ҳатто ўзи ҳам ўйламаган чоғда мастер бўлиб қолди. Хўш, нима бўпти дерсиз, лекин ҳали пишиб етилмаган, ғўр, мастер обрў-эътиборини ҳалол меҳнати билан қозоймаган киши кўл остида ишлаши керак бўлган коллектив фикри билан ҳисоблашмасдан уни бошлиқликка тайинлаганлар биргина кўпчиликкагина эмас, ўша йигитнинг ўзига ҳам катта зарар етказганлар. Йигит учун раҳбарлик лавозими ўзига хос жазога айланди. У ҳалол, виждонли, ор-номусли бўлганлиги учун кишиларни уюштириш, уларга ўргатиш, бошчилик қилиш қўлидан келмаслигини яхши англарди. Мана энди у нонини ҳалоллаб ейиш учун дуч келган топшириқларни бажармоқда. «Ташхимсельмаш» заводида бўлгани каби бу ерда ҳам ошкораликнинг йўқлиги, қарорларнинг ёпиқ хоналар ичида қабул қилинганлиги, жамоат фикрига ишончсизлик ёки ундан қўрқинчлик салбий оқибатларга олиб келди. Иккала воқеанинг табиати бир хил: ошкораликнинг йўқлиги, коллектив фикр-иродасини тўғри баҳолай билмаслик, коллектив иродасини менсимаслик натижаси эса маълум: фақат бундан иш зарар кўради.

Ўзбекистонда маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилган ишчилар ва хизматчиларнинг 70 процентн судлар орқали ишга тикланмоқда. Албатта суд органлари номига яхши гапларни айтиш керак: улар совет қонунларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишяпти. Меҳнат кишисининг хафа бўлиб қолишига йўл қўйишмаяпти. Бу жуда соз. Лекин бу масалага бошқа томонидан қаралса, масаланинг моҳиятига чуқур кириб борилса-чи. Хўш, ўзи нима бўляпти? Бошлиқлар меҳнат қонунларини менсимай, ўша қонунлар талаб қилгандай касаба союз комитетлари билан маслаҳатлашмай, коллектив фикри билан ҳисоблашмай ими-жимида ишлаб чиқаришда сўнгги жазо чорасини — бўшатишни қўллаяптилар. Ўзбилармончилик билан кишиларни ишдан бўшатаётган бундай бошлиқларнинг ўзига нисбатан қандай жазо кўриляпти! Айтиш мумкинки, ҳеч қандай. Нари борганда уларнинг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ ишдан бўшатилган ишчи қонун ёрдамида, бироқ коллектив иштирокисиз ёки уларнинг хабарисиз қайта ишга тикланмоқда.

Уй-жойларни тақсимлашсингари муҳим ижтимоий, ўткир, баъзан эса кишиларга ниҳоятда тез таъсир қиладиган масалани олиб кўрайлик. Бу тўғрисида съездда айтилган қуйидаги сўзларни яна бир карра эслаб кўрайлик: «Бу проблема ҳозирча долзарб бўлиб турган экан, демак, уй-жой тақсимлашда алоҳида эътибор, объективлик, боринг-ки, ҳалоллик талаб этилади. Бу масала ҳамма ерда жамоат ташкилотларининг иштирокида, уларнинг қаттиқ назорати остида ҳал этилмоғи лозим».

Ҳа, яна, яна қайтарамиз —лозим! Лекин ҳамма вақт ҳам бу иш лозим бўлган даражада омма кўз ўнгида, ошкоралик билан бўляптими? Ў ёки бу жойда баъзида бўлсада, қандайдир мансабдор шахс одатдаги каби гўё ишлаб чиқариш манфаатларини кўзлаб, амалини суиистеъмол қилиб, ёпиқ эшиклар ортида уй-жойга навбатда турганлар рўйхатини ўзбошимчалик билан ўзгартирганлигини, қонун бўйича ҳали уй-жой олишга ҳаққи бўлмаган кишиларга квартира берганлигини эшитиб қоласиз. Бундай практика «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасида ҳам кўзга ташланмоқда. Бу жойда одамлар кўп тўпланадиган ерларда уй-жойларга навбатда турганларнинг рўйхатини осиб қўйишни унутишмайди. Бошқача айтганда расмият учунгина омма фикри билан ҳисоблашишади. Бошқа томондан эса бу фикрни «алоҳида» ҳолларда унутиб қўйишади. Бирлашма бош директори С. П. Тетушкин рўйхатда турганлардан кимлар биринчи навбатда квартира олишини, кимлар эса кутиб туришини ўзича ҳал қилади. Уй-жой топширилаётганда бу ерда 128 кишининг навбатда турганлар рўйхатида эканлиги аниқ эди. Биринчилар қаторида квартира олганлар орасида «керакли киши» мутахассис В. Евдокимов пайдо бўлганлиги кўпчиликни ажаблантирди. Чунки у рўйхатда 124-эди. Нимага асосланиб шундай воқеа рўй берди дейсизми? Бош директорнинг кафолатли хати-да! Ўз-ўзидан маълумки, қонунга зид бўлган бу ҳужжат ўша заҳоти уй-жойни тақсим қилувчиларга таъсир этмасдан қолмади. Навбатда биринчилар қаторида турган кишилардан бирини яна номаълум муддатга орқага суриб юборишди. Бу-ларнинг ҳаммаси коллективдан яширин равишда, лекин касаба союз комитетининг кўз ўнгида, амалда эса унинг йўл қўйиб бериши натижасида содир бўлди. Нима ҳам дердик. Ҳаётимизнинг ахлоқий нормаларини бузувчилар учун бу ўринлари жамоат фикри шунчаки оддий ниқоб ролини ўйнаган. Уй-жой тақсимотидай нозик масалада биргина қўпол хатонинг ўзи, биргина, янка-ғлгиз ноҳақликнинг ўзи жамоат фикрининг обрў-эътиборига ва аҳамиятига ишончсизлик туғдиради. Демократиямизнинг кучига бўлган ишончга путур етказади. Бу билан мурosa қилиб бўлмайди.

Ўз-ўзимизга ҳам кўп нарса боғлиқ эканлигини унутмай, камчиликларимизни ҳам тан олишимиз керак. Негаки, мен Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг жамоатчи секретари деган юксак лавозимга сайланганман. Шахсан мен кейинги йилларда у ёки бу раҳбарни жамоат фикрини менсимаганлиги, меҳнат тўғрисидаги қонунларни бузганлиги учун қаттиқ муҳокама қилганлигимизни, партиявийчасига талабчанлик билан шундай масалаларни кўриб чиққанимизни эслай олмайман. Чунки биз бундай раҳбарга ишончсизлик билдиришдек ўз ҳуқуқимиздан фойдаланишимиз мумкин-ку! Касаба союзлари Совети Президиуми, секретариати мажлисларига, тармоқ касаба союзлари республика комитетларига ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, олимларни камдан-кам таклиф қиляпмиз. Уларнинг у ёки бу муаммо юзасидан фикрларини эшитмаймиз. Бу муаммоларга завод, фабрика, институт, колхоз, совхоз коллективининг муносабатини суриштирмаймиз. Бу соҳада ўз бюроларида ишчилар ва колхозчиларнинг ҳисоботини эшитишни мунтазам суръатда амалга ошираётган, шу масалалар юзасидан муҳим партиявий қарорлар қабул қилаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети яхши намуна бўлаётир.

Ишчи киши ҳақиқатан ҳам кимлар у билан маслаҳатлашаётганини, унинг таклифларини жиддий ва амалий равишда ҳисобга олинаётганини, ёки уни номигагина жамоат фикри деб енгил-елпи ишларга жалб қилишаётганини, бу ишдан бир мирилик фойда тегмай, аксинча фақат зарар келтириб, демократиямизнинг энг асосий ғояларини ёмон отлиққа чиқараётганини ҳам яхши тушунади. Республикада ҳар йили коллектив шартномалар бўйича қарийб 10 мингта таклиф тушади. Ажойиб кўрсаткич дейишгиз мумкин. Лекин уларнинг қанчаси амалга оширилади деб сўраб кўринг-чи! Фақат учдан биригина жорий этилади. Учдан иккиси эса қоғозда қолиб кетаверади. Буидан шундай хулоса чиқариш мумкин. Шартномаларни коллектив равишда, ҳаммага эшиттириб муҳокама қиламиз. Бироқ уларни ҳаётга татбиқ этишга келганда эса ҳамма нарса бир кишининг — ишлаб чиқариш раҳбарининг хоҳиш-иродасига қараб қолади. Бизнинг бирлашма, «Ўзбекшахтострой» трести, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент «Миконд» заводидаги сингари кишилар ўз сўзларига амал қиладилар. Лекин хўжа кўрсинга ишчилар фикрига қўшилувчи, уларни ҳурматловчи кишилар ҳам бор. Масалан, республика автомобиль транспорти министрлиги раҳбарларини олайлик. Улар йилдан-йилга ҳайдовчиларнинг ишдан кейин қолиб ишлашини бас қилишни талаб қилувчи шикоятларини кўплаб олмоқдалар. Улар ҳар йили ҳамманинг олдида бу аҳволга чек қўйишга вада берадилар. Аммо ўзлари ишдан кейин қолиб ишлашни планлаштирадилар.

Совет кишисининг ҳаёти ва меҳнати билан боғлиқ ҳамма нарса ҳалол, очиқ-ойдин, ошкора, кишилар кўз ўнгида ҳал этилиши керак. Навбатда турганларга квартира беришми, йўлланмалар, мукофотларни тақсимлашми, автомашиналар ажратишми ёки кишиларнинг мансабини оширишми барибир. Ана шунда ҳеч қандай шивир-шивирлар, ғимо-ишоралар, ишончсизлик бўлмайди. Энг муҳими рўй берган у ёки бу мураккаб ишлаб чиқариш ва маиший муаммолардан ўзларининг ғараз мақсадлари йўлида фойдаланишга интилувчилар илдизига болта урилади. Чунки ошкоралик бундай кишилар учун энг хавфли муҳитдир.

Бизнинг социалистик демократиямиз нормаларни талаб этганидек, ҳамма нарса омма кўз ўнгида бўлсин.

(«ТРУД», 21 август).



ДИҚҚАТ, МУАММО

ФОЙДАЛАНИШ ХИЗМАТИ КЕРАК

Тошкент трактор заводининг коллективи янги йиғимтерим мавсуми бошлангунга қадар пахтакор хўжаликларга пландан ташқари кўплаб трактор прицеплари етказиб беришга азму-қарор қилганлар. Яқинда хўжаликларга янги типдаги экспериментал прицепларнинг бир партияси синаш учун жўнатилдн. Бу прицеплар махсус улаш аппаратлари билан жиҳозланган бўлиб, бу қурилма ёрдамида ўзига хос «поезд»лар тузиш мумкин бўлади. Суратда: янги прицеп кўздан кечирилмоқда.

Ф. Қурбонбоев ва В. Миленький фотолари.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТИМИЗ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

ЎТТИЗ ИЖОДИЙ ТАКЛИФ

БЕКОБОД. Коммунист Юнус Юсупов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси нафақат мартен цехида, балки бутун металлургия заводида зарбдор меҳнати билан довруғ қозонган. Улар йил сайин янги-янги меҳнат муваффақиятларини қўлга киритиб, юксак зафар чўққиларн сари дадил боришяпти.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида бу бригада коллективи СССР 50 йиллиги шарафига ўтказилган мусобақада актив иштирок этиб, металл қуювчиларнинг Бутуниттифоқ Дўстлик эритмасини қуйишда иштирок этишга муяссар бўлган эди. Кейин эса «КПСС XXV съезди номли бригада» номини олишга сазовор бўлди. КПСС XXVI съезди шарафига ўтказилган меҳнат беллашувида ҳам улар мунтазам совринли ўринларни эгаллашди.

Пешқадам қуювчилар бригадаси аъзоматлари ўн биринчи беш йилликда юқори кўрсаткичларни кўзлаб, кун сайин суръатга суръат қўшиб ишлашяпти. Беш йиллик мобайнида улар пландагига қўшимча 1250 тонна пўлат қуйиш мажбуриятини олишган. Шундан 250 тоннаси бу йил амалга оширилади. Брак 50 процентга камаяди.

Бригадада техника ижодкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Новатор ишчилар 30 та таклифни ишлаб чиқаришга жорий этиб, улардан 5 минг сўм иқтисодий фойда олишга аҳд қилишган.

Ҳ. АЛИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ ЭЪТИБОРИГА!

ТАЪБИР жоиз бўлса, Паркент каналини беш йилликнинг ўзига хос улкан қурилишларидан бири дейиш мумкин. Ғазалкентдан — Чирчиқ дарёсидан бошланган каналнинг 69 километрлик биринчи навбати фақат қир-адирлар ўртасида 12 минг сўм билан ҳосилдор пайкалга айлантирилмоқда. Шароити бошқа совхозларга нисбатан ҳам мураккаброқ бўлган «Чотқол»да бу рақам 20 минг сўмга етяпти.

Совхоз ерларини ўзлаштириш каналнинг 24-километридан бошланган: каналдан сув олаётган лоток — бетон ариқ қирнинг тепасида қиялаб 1700 метр масофагача чўзилган. Мана шу қир ёнбағри — янги барпо этилган токзор. Лоток бўйлаб 8 та сув тақсимлагич қудуқлар қурилган. Бу қудуқлардан токзорга томон ерости қувурлари орқали сув боради ва токзорнинг маълум жойларида ерости қувуридан тепага — яна махсус мослама қувур ажралиб чиқиб ерга сув беради — экинзор суғорилади. 1700 метр лоток, 8 та тақсимлагич қувур ва бирнеча минг метр ерости қувури билан атиги 50 гектар майдон суғорилмоқда!..

Виз, Паркент район партия комитетининг иккинчи секретари Ҳамид Шарофиддинов, бу ерларни ўзлаштириб фойдаланишга топширган «Паркентводстрой» трести 3-кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғининг ўринбосари Юрий Афонинлар билан токзорни оралаб, ҳозирнинг ўзида мазкур гидротехник иншоотлар ишдан чиқа бошлаганини, қувурларнинг оғзи бекилиб сув тўхтаб қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳолбуки, бу пайкаллардан ўн йиллар, юз йиллар мобайнида ҳосил олиш кўзда тутилган...

Паркент канали замирида ўзлаштириладиган 20 минг гектар майдоннинг деярли ҳаммаси мана шундай гидротехник иншоотлар ёрдамида амалга оширилади.

— Ер — юганланмаган тойдек бизни қийнаяпти, — дейди «Чотқол» совхозининг директори Туймақул Бойжуманов, — каналнинг ўзани, ариққа сув чиқиши камайяпти. Бунинг устига экин экилган ернинг ўзи чўкяпти, ё сув ўпириб кетяпти...

Совхозда ҳозирнинг ўзида 10—12 километр узунликда 6 та лоток бор. Улардан ажралиб чиққан қувур тармоғи 100 километрдан ошади. Бу тармоқлар яна кўпаяди, улар ернинг хусусиятига қараб турли мураккабликда бўлади. Ҳозир ҳар бир гектар ер учун совхозга 200 метр шланг берилган. Террасаларга шланглар тортилиб экин сугориладн. Лекин бу шланг бақувваторқ тикан кирса ҳам тешилади, нари борса уч-тўрт йилга чидайди. Ундан кейин эса... ҳеч қандай истиқбол йўқ!..

Энди солиштиринг: айрим район марказларида бор-йўғи 10—15 километр водопровод тармоғига хизмат кўрсатадиган ташкилот бор. Бу ерда юзлаб километр мураккаб ирригация системалари фойдаланишга топширилган, миллионлаб маблағ сарфланаётган катта бир территорияда ҳали бундай ташкилот йўқ...

Тўғри, «Паркентводстрой» трести ҳузурида ер ремонти бригадаси ташкил этилиб, совхоз ихтиёрига бериб қўйилган. Бироқ, уларнинг кучи ҳозирнинг ўзидаёқ камлик қиляпти. Қолаверса, канал қурилиши тўла битказилгач трестнинг совхозлар билан ҳеч қанақа иши бўлмайди...

Шунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ, янги совхозларнинг фойдаланишга топширилган минглаб гектар майдонларидаги юзлаб километр мураккаб ирригация системаларига комплекс, малакали хизмат кўрсатадиган ихтисослашган ташкилотни ташкил қилиш зарурга ўхшайди...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳунар-техника билим юрти халқ хўжалигига малакали ишчи кадрлар тайёрлаш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ўқув даргоҳи урушнинг суронли кунларида — 1941 йили ташкил қилинган эди. Шундан буён ўтган давр мобайнида унинг битирган 14 минг 200 дан зиёд йигит-қиз ишлаб чиқаришга йўл олди.

Билим юртида талабаларнинг кенг ихтисосли касб эгалари бўлиб етишишлари учун ҳамма шароит муҳайё. Тўла жиҳозланган ўқув кабинетлари, лабораториялар ва амалий машғулотлар цехлари ўқувчилар ихтиёрида.

Бўлажак ишчилар меҳнат практикаси даврида корхонанинг ветеранлари иш практикаси билан танишадилар. Хусусан, билим юртининг собиқ талабалари Ленин ордени нишондорлари — В. Пенин, В. Басалец, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери А. Абдуллаев каби авиасозларнинг шонли меҳнат йўли — ёшлар учун мактабдир.

— Билим юртимизнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди мастер А. Орифжонов, — ўқув цехларининг ўзида 102 та станок ўрнатилган. Талабалар истаган вақтларида бу дастгоҳлардан фойдаланишлари мумкин.

Айни кунларда билим юрти педагогик коллективи ўзининг 40 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ҳунар даргоҳининг салмоқли тарихидан ҳикоя қилувчи музей ташкил қилишга киришилди. Кўп йиллар давомида қалб кўри, ғайрат шижоатини ёшларга касб ҳунар ўргатишдек олий мақсадга бағишлаган устозлар ҳаёти, меҳнат фаолиятидан ҳикоя қилувчи стендлар, собиқ талабалар билан учрашувлар ташкил қилиш режалаштирилди.

Ш. НАБИХЎЖАЕВА.

ЭНГ ЯХШИ ПРОПАГАНДИСТЛАРИМИЗ

ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД

ЯНГИЙЎЛ район партия комитети сиёсий маориф кабинетига энг яхши пропагандистларнинг портретлари қўйилган. Ана шулар орасида Инобат Мамажонова ҳам бор.

— Мактабимиз коммунистлари ва барча ўқитувчилари Инобатни икки истеъдод эгаси сифатида ҳурмат қиладилар, — дейди Ҳамза номли 44-ўрта мактаб директори Норпошша Йўлдошева, — у тажрибали ўқитувчигина эмас, моҳир пропагандист ҳамдир.

Директорнинг гапига қўшимча қилиб, Инобат Мамажонова мактаб бошланғич партия ташкилоти секретари эканлигини ҳам айтадиган бўлсак, бу аёл зиммасига нақадар катта масъулият юкланганлиги янада равшанлашади.

Мактабда бир неча йиллан буён назарий-методологик семинар машғулотлари мунтазам ва юксак савияда ўтмоқда. Бу эса тингловчи-ўқитувчиларнинг марксизм-ленинизм асосларини пухта эгаллашлари, партиямиз ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим проблемаларини чуқур ўрганишларига имкон бермоқда.

— Партия анжумани қарорлари коммунистлар ва партиясизларнинг ғоявий-сиёсий савиясини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дейди пропагандист И. Мамажонова. — Тингловчиларимиз «В. И. Ленин ва КПСС коммунистик ахлоқ тўғрисида» курсини, КПСС XXVI съезди материаллари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездаги докладини зўр қизиқиш билан ўргандилар. Бунда ҳар бир машғулотга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўрганлигим, мавзуларни ўтишда область, район, хусусан мактаб ҳаётидан олинган фактлардан кенг фойдаланганлигим яхши самара берди. Бўлажак ўқув йилида ҳам съезд материалларини, унинг назарий бойлигини янада чуқурроқ ўрганишга алоҳида аҳамият берамиз. Бунда КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бизга дастурламал бўлади.

Мактаб педагогларининг сиёсий тайёргарлигини чуқурлаштириш, ижтимоий активлигини ошириш, мактабда таълим-тарбия ишларини кучайтиришдаги иштирокини яна ҳам кенгайтириш — пропагандист Инобат Мамажонованинг янги ўқув йилидаги асосий мақсади ана шундай.

Ҳозир Инобат опа ҳам мактаб, ҳам сиёсий маориф системасида янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Хусусан, назарий семинар машғулотларини ўтказайш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланяпти, зарур ижтимоий-сиёсий адабиётлар, кўргазмали қуроллар ҳозирланяпти.

Биз коммунист тарғиботчи ва тарбиячи Инобат опанинг ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, ўқитувчилар сиёсий билимини ошириш соҳасидаги ишларида муваффақият тилаймиз.

М. ПЕЙСЕНОВ.

ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

ЯҚИНДА матбуотда 1980—1981 йилги чорва қишловини мувваффақиятли ўтказиш бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун бизнинг колхозимиз ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди.

Бу юксак мукофот хўжалигимиз чорвадорларини янги зафарлар сари руҳлантириб юборди. КПСС XXVI съездя ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида иш олиб бораётган меҳнаткашларимиз бундан бўён ҳам гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш учун астойдил меҳнат қиладилар.

Биз ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида давлатга 91 тонна гўшт, 950 тонна сут ҳамда 105 минг дона тухум етказиб беришимиз керак. Ҳозиргача давлатга 700 тоннадан кўп сут, 90 тонна гўшт, 92 минг дона тухум сотилди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир.

Маълумки, мўл озуқа етиштирмасдан туриб чорвачиликни жадал ривожлантириш мумкин эмас. Бу борада биз талайгина ишларни амалга оширмоқдамиз. Биз сигирлар маҳсулдорлигини давлатдан олинаётган омихта ем ва шелуха ҳисобига эмас, асосан ўз далаларимиздан олинаётган озуқалар ҳисобига ошириб бормоқдамиз.

Силос, сенаж ва бошқа чорвачилик озуқаларини етиштириш имкониятларидан тўла фойдаланмоқдамиз.

Ҳар йили икки йиллик план миқдорида ем-хашак жамғаришга эришамиз. Молларга бериладиган озуқа махсус озуқа цехда қайта ишланади, таркибига қўплаб витаминли моддалар қўшилади. Бу эса соғин сигирлар ва бўрдоқига боқилаётган қорамоллар маҳсулдорлигини қишнинг ёзин бир текисда ошириб бориш имкониятини бермоқда.

Хўжалигимизнинг коммунист Саиднабй Ҳайитбоев бошчилик қилаётган махсус ем-хашак бригадаси аъзолари бу йил 50 гектар ерга силос учун экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 800 центнердан кўпроп, 15 гектар ердаги лавлагидан эса 750 центнердан ҳосил етиштирдилар. Бундан ташқари 120 гектар беда зорда тўртинчи ўрим бошлаб юборилди. Ҳар гектар ердан ҳозиргача 180 центнердан беда ҳосили йиғиштириб олинди.

Маълумки, ҳамма соҳада ишнинг жадал ривожланиши кадрларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз чорвадор кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Фермамиз қошида махсус малака ошириш курслари ишлаб турибди.

Фермада чорвадорларнинг унумли ишлаб, яхши дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездига Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладида шундай дейилади: «Шу нарса равшанки, одамлар ўзларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётган жойда яхшироқ, астойдил меҳнат қиладилар. Завод, ферма, бу ҳам бир уй бўлиб, одам умрининг камида учдан бир қисмини шу ерда ўтказади».

Сут соғувчилар, молбоқарлар ҳамда товуқбоқарлар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақага ҳар ўн беш кунда якун ясаб борилади. Ғолиблар шарафига меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилади. Азиза Баҳодирова, Машҳура Сулаймонова, Ҳамида Умматова сингари сут соғувчилар мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Улар областимизнинг бир группа чорвадорлари ташаббусига қўшилиб ҳар бош соғин сигирдан 5500—6000 килограммдан ошириб сут соғиб олиш учун курашмоқдалар.

Гўштга топширилаётган қорамолларнинг тирик вазнини 500 килограммдан оширишга эришмоқдамиз.

Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, соғин сигирлар ва қорамоллар маҳсулдорлигини оширишда уларнинг зотини яхшилаб бориш катта аҳамиятга эга: серсут сигирлардан олинган бузоқлар алоҳида парвариш қилинади, улар ҳисобига маҳсулдор сигирлар сафи тўлдирилади. Шу тариқа ҳар йили минглаб килограмм қўшимча сут етиштирилмоқда.

Хўжалигимиз чорвадорлари ютуқларини мустаҳкамлаб гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан зиммага олган мажбуриятларини Улуғ Октябрь байрамигача бажаришга аҳд қилганлар.

С. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент районидаги Ильич номли колхоз раиси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ТАШКИЛИЙ-ПАРТИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Ленин номли колхоз далачилик бригадалари, ферма ва участкаларида 7 та цех партия ташкилоти, 2 та партия группаси қизғин фаолият кўрсатяпти. Уларга 130 коммунист бирлашган. Қуйи ячейкаларда бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишлари коммунистларнинг юксак активлигида, танқид ва ўз ўзини танқид руҳида ўтди.

Ҳозир қишлоқда ҳар бир соат ғанимат. Экинлар кетма-кет ниши етиляпти. Уларни нобуд қилмай обитобида йиғиштириб олиш, пахта терими бошлангунча барча юмушларни қутулиш керак. Куни кеча механизаторлар маккажўхори ҳосилини йиғиштириб бўлишди. Ўтган йили 120 гектар ердаги маккажўхорини улар 12 иш кунида тўла саранжомлаб олишган эди. Бу йил эса экин майдонлари яна 20 гектарга кенгайган бўлишига қарамай, ишни ипатоволиклар усулида ташкил этиб, сакқиз кун ичида йиғим-теримни тугалладилар. Гектар бошига салкам 100 центнердан «қаҳрабо дон» ҳосили олинди.

— Йиғим-терим даврида механизаторлар иш сифати ва суръати устидан алоҳида кўз-қулоқ бўлиб турдилар, — дейди колхоз Янги ҳаёт участкаси цех партия ташкилоти секретари С. У. Пай. — Тургун Аблаев, Хван Дон Мин каби коммунист-механизаторлар ҳисобот-сайлов йиғилиши арафасида рапорт бердилар. Ҳозир улар каноп ҳосилини йиғиштириб олишга сўз берганмиз.

Пахтазорларда эса сўнгги суғориш ишлари ниҳоясига етяпти. Янги ҳаёт участкаси пахтакорлари бу йил 325 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Ғўзалар ривожи яхши. Вақтида озиқлантириб, вақтида суғорилган ниҳоллар дуркун кўсаклардан маржон тақкан. Бу йилги марра 45 центнер. Ўтган йили қисқолорлик 43,5 центнерга кўтарилган эди. Давлатга пландаги 1738 тонна ўрнига 2035 тонна «оқ олтин» сотилган эди. Участка деҳқонлари партиямиз XXVI съезди қарорларидан руҳланиб, янги беш йилликнинг биринчи йилида пахтадан яна ҳам баланд хирмон уйишга бел боғлаганлар.

Участка цех партия ташкилоти ҳисобот даврида коммунистлар, барча меҳнаткашлар эътиборини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, экинлар ҳосилдорлигини оширишга, туғилаётган ватанпарварлик ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлашга қаратди. Бу йил Филипп Ан бошлиқ 1-бригада пахтакорлари ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар гектар бошига ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга сўз бердилар. Бригадада 4 коммунист бор. Уларнинг ҳаммаси ўз зиммасидаги вазифани яхши билади.

Ҳисобот даврида цех партия ташкилотининг 12 марта йиғилиши бўлиб ўтди. Уларда 14 та масала кўриб чиқилди. Лекин бу масалаларнинг кўпчилиги хўжалик ишларига оид эди. Ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштириш, КПСС устави талабларига риоя қилиш, оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш, коммунистлар активлигини ўстиришга оид масалалар йиғилишларда камдан-кам муҳокама қилинди.

Олдинги ҳисобот-сайлов йиғилишида партбюро зиммасига илгорлар ҳисобига партия сафларини ўстириб бориш, қабул қилинган қарорлар ижросини текшириб туриш вазифалари юкланган эди. Лекин бу қарорлар қоғозда қолиб кетди. Ҳисобот даврида партия сафлари ўсмади. Ваҳоланки, участкада меҳнат қилаётганларнинг аксарияти йигит-қизлардир.

ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ

Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун бошланган курашга бошқа бригада коллективлари ҳам қўшилишган. 2, 3-бригада пахтакорлари ҳам бу йил 50 центнерга етказиб ҳосил олишга интилмоқдалар. Участка деҳқонлари ҳосил тўплаш билан бирга йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу йил далаларда 16 та терим машинаси жавлон уради. Ҳар бир машинага иккитадан механизатор, тўрттадан тележка бириктириб қўйилган. Йўл ва хирмонлар тўла ремонтдан чиқарилган.

Цех партия ташкилоти ҳисобида 21 коммунист бор. Уларнинг ҳаммаси партиявий топшириққа эга. Коммунистлар йиғилишида ҳисобот доклади қилган цех партия ташкилоти секретари С. У. Пай улар бажараётган ишларни ҳар томонлама анализ қилиб берди. Докладчи ҳам, музокарада қатнашган Ф. Ан, А. Тен, А. Хан каби коммунистлар ҳам бажарилган ишларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни йўл қўйилган нуқсонларга қаратдилар.

Улар катталар қатори зиммаларидаги топшириқларни сидқидилдан адо этиб келмоқдалар. Бундан ташқари участкада ўтказилаётган оммавий сиёсий тадбирлар савияси ҳам талаблар даражасида бўлмаяпти. Одатда бундай тадбирлар колхоз бўйича ўтказилаётган тадбирларга қўшилиб кетади.

Идора цех партия ташкилоти йиғилиши ҳам танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Бош мутахассислар, бошқарув аппарати ходимларидан иборат 22 коммунист цех партия ташкилоти аъзосидир. Улар қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш устида кўп қайғурмоқдалар. Ҳозир бутун эътибор далаларда мўл ҳосил тўплашга қаратилгандир. Бу йил колхоз бўйича пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга, каноп ҳосилдорлигини 220 центнерга, шоли ҳосилдорлигини 70 центнерга етказиш учун кураш кетяпти.

Ҳисобот даврида тармоқлар тез суръатлар билан ривожланди. Ўтган йили пландаги 37,2 ўрнига 43,2 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Пахта таннархи салкам 2 сўмга, шоли таннархи эса салкам 3 сўмга арзонлашди.

Докладчи цех партия ташкилоти секретари Ф. Н. Ким, музокарада қатнашган инженер-мелиоратор К. С. Ким, колхоз ревизия комиссияси раиси Н. М. Юн ва бошқа ўртоқлар асосий эътиборни бу йилги йиғим-терим ишларини зўр уюшқоқлик билан ўтказишга, ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай давлатга топширишга қаратдилар. Айни пайтда улар ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигини ҳам уқтирдилар.

Ҳисобот даврида партия сафларини ўстиришга эътиборсизлик билан қаралди. Партия йиғилишларида, партбюро мажлисларида партиявий-ташкилий ишларни такомиллаштиришга оид масалалар камдан-кам муҳокама қилинди. Оммавий-сиёсий ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Ҳурмат тахталари ўз вақтида янгилаб турилмайди. Кўргазмали агитациянинг жанговарлиги сезилмайди.

Бу йил партия, комсомол маорифи ва иқтисодий таълим системасида 55 киши билим олди. Лекин тингловчилар активлигини ошириш, улар давоматини яхшилаш устида қайғурилмади. Ҳисобот даврида турли мавзуларда ўн марта лекция бўлди, холос. Ваҳоланки, колхоз марказида бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиш, тингловчилар талаб ва эҳтиёжларини муттасил ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бошқа цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам коммунистлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштиришга қаратилган конкрет тақлифлар билан чиқдилар. Колхоз партия комитети бу тақлифларни ўрганиб, амалга ошириш чораларини кўриши, қуйи ячейкалар эътиборини хўжалик ва сиёсий ишларни бирга қўшиб олиб боришга қаратиши керак.

Ж. НОСИРОВ,
Ғалаба райони.

ҚАРОР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун барча меҳнат коллективларида қизғин кураш кетаётган дамлар эди. Бу умумхалқ ҳаракатидан Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси дўппи цехи коммунистлари ҳам четда қолмадилар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини юксак кўтаринкилик билан бошлаб, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширдилар.

Ўша кунларда 1-участка партия группаси ташкилотчиси Турсуной Эргашева олдига сменадош дугоналари коммунистлар Машкура Мўминова билан Ҳабиба Қосимовалар кириб келишди.

— Бир таклиф бор, — дейишди улар. — Сифат тўғрисида кўп гапирамиз-у, самараси кутилгандек бўлмаяпти. Конкрет бир иш қилиш керакка ўхшайди. Шунинг учун участкада ҳафтасига бир марта сифатни текшириш куни ўтказсак бўлмасмикин?..

Бу фикр навбатдаги партия йиғилишида коммунистлар муҳокамасига ташланди. Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан янги тадбирни мақсадга мувофиқ деб топдилар.

Сифатни текшириш кунлари эндиликда фақат участкада эмас, дўппи тикиш цехида ҳам яхши анъанага айланиб қолди. Бу муҳим тадбирни ўтказишда коммунистлар бош-қош бўлмоқдалар.

Участка партия группаси фаолиятидан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Коммунистлар иш сифатини ва самарадорлигини ошириш учун барча тадбир ва чораларни кўрмоқдалар. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида партия группаси олиб борган ташкилий, оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларга баҳо берилди. Янги вазифалар белгилаб олинди.

ТОШКЕНТ БАДИИЙ БУЮМЛАР ФАБРИКАСИ

— Ўтган бир йил ичида, — деб таъкидлади ҳисобот докладида партия группаси ташкилотчиси Т. Эргашева, — участкамиз коллективи катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ўнинчи беш йиллик муваффақиятли якунланди. Энди бутун куч ва ғайратимизни КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажаришга сафарбар этмоқдамиз.

Участкада социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилганлиги яхши самара бермоқда. Коммунист Ҳабиба Қосимова бошчилик қилаётган бригада коллективи мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Бригада аъзолари план-топшириқларни 150—170 процентга етказиб бажармоқдалар. Муршида Абдукамолова раҳбарлик қилаётган бригада чеварлари ҳам пешқадамлардан ҳисобланадилар. Шу бригада аъзоларидан бир неча киши эса Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги шарафига беш йиллик планни 1983 йилда бажаришга сўз бердилар.

Корхонада меҳнат қилаётганларнинг аксарияти аёллар эмасми, партия ташкилотлари ҳам уларга қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш чораларини кўрмоқдалар. Участка партия группаси ҳам бундан мустасно эмас. Чунончи, ишлаб чиқаришни тўла механизациялаштириш, чеварларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳаммаси ана шунга қаратилгандир.

Музокараларда сўзга чиққан коммунистлардан З. Нуриддинова, Х. Қосимова, П. Мақсудова, М. Аъзамовалар асосий эътиборни ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларга қаратдилар.

— Бизнинг маҳсулотларимиз, — деди жумладан З. Нуриддинова, — 35 йилдан бери ишлаб чиқарилади. Айтиш керакки, уларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Шунинг учун биз маҳсулот сифатини яхшилаш устидагина эмас, унинг ассортиментини янгилаш тўғрисида ҳам бир ўйлаб кўришимиз лозим. Ана шунда ишлаб чиқарилаётган дўппиларимиз магазинларда узоқ ётиб қолмайди.

— Мен меҳнат интизоми тўғрисида тапирмоқчи эдим, — деди Х. Қосимова, — бизда ҳамма ҳамкасбларимиз ҳам ишга ўз вақтида келадилар, иш кунидан унумли фойдаланадилар, деб айтиш қийин. Партия группаси бу масалага эътибори кучайтириши лозим. Чунки участкамизда планни бажармаётган, коллективни орқага тортаётган ишчилар йўқ эмас. Уларни илғорлар сафига олиб чиқишда биз коммунистлардан талаб катта.

Йиғилиш коммунистларнинг актив иштирокида ва ишчанлик руҳида ўтди. Қабул қилинган қарорда мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўллари, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини муваффақиятли якунлаш юзасидан коммунистлар олдида турган навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Энди ҳамма гап янги сайланган партия группасининг ана шу қарорнинг сўзсиз бажарилишига эришишида қолган. Ана шунда участка коллективи бутун корхона аҳли партия XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўзига киритаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшган бўлади.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҚАҲР-ҒАЗАБ ҚУЧАЙМОҚДА

● **ПАРИЖ, 24 август. (ТАСС).** Францияда Британия маъмурларининг Ольстердаги жиноий сиёсатидан қаҳр-ғазаб тўлқини кучайиб бормоқда. Бу сиёсат Лонг Кеш қамоқ лагерида ўзларига сиёсий маҳбуслар статуси берилиши учун курашаётган маҳбуслардан ўн кишининг халок бўлишига олиб келди. Франциядаги энг йирик касаба союз бирлашмаси, умуммеҳнат конфедерациясининг конфедерал бюроси Лонг Кеш қамоқ лагеридаги фожиага чек қўйиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга чақирди. Конфедерал бюросининг эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: «Англия ҳукуматини бебошлик ва одамларни қасддан ўлдиришни тўхтатишга мажбур қилиш керак». Умуммеҳнат конфедерацияси бюроси ўз мурожаатида келгуси ҳафтада «Эйч блок» маҳбусларининг кураши билан бирдамлик митингини ўтказишга чақирди. Ирландия билан бирдамлик француз комитети Шимолий Ирландияда инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши кескин норозилик билдирди. Комитет қабул қилган мурожаатда Лондон Лонг Кеш маҳбусларининг қонуний талабларини қондириш ўрнига уларни ўлимга дучор қилишни афзал кўради, деб таъкидлаб ўтилади.



Яқинда Нью-Йоркда бўлиб ўтган негр ишсизларн манифестацияси қатнашчилари «Биз ишлашни хоҳлаймиз!» деган талаб билан чиқдилар. Намойиш қатнашчиларн ва полиция ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув натижасида бир неча киши яраланди. Йилнинг қолган ойлари мобайнида ҳам америкаликларни, асосан негр аҳолисн вакилларинн ишсизлик ва инфляциянинг ўсиши кутмоқда. Суратда: намойиш қатнашчилари.

ЮПИ—ТАСС фотосн.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **УЛАН-БАТОР.** Монголия ревсомолларининг ташаббуси билан Ара-Хангай аймоғидаги «Худулмур» («Меҳнат») қишлоқ хўжалик бирлашмасида молларни бўрдоқига боқиш ва озуқа тайёрлаш комплекси қурилди. Ёш чорвадорлар бу ерда муваффақият билан ишламоқдалар. Улар маҳаллий шароитда молларни молхонада боқишга ўтишнинг фойдали эканлигини амалда исбот этдилар. Комплекс коллективи бу вазифанинг уддасидан чиқди: ёш моллар сақлаб қолинди, кооперативга қарашли подаларда мол туёғи кўпайди.

Ташаббускорлар ишлаб чиқаришга доир масалаларни моҳирона ҳал этибгина қолмай, посёлкада янги уй-жой биноларини қурмоқдалар, кутубхона, спорт майдончалари барпо этилмоқда.

● **РИМ.** Италияда коммунистик матбуот фондига маблағ тўплаш муваффақиятли давом этмоқда. Шу кунгача фонд кассасига 10,5 миллиард лирага яқин маблағ тушди. Ўтган ҳафтанинг ўзидагина бир миллиард лирадан кўп маблағ тўпланди.

● **БАЙРУТ.** Исроил босиб олган территориялардан арабларни қувиб чиқармоқда. Масалан, Ғазо секторида ҳарбий маъмурлар фаластинликларнинг Жибалия лагеридан йигирма саккиз оилага уларнинг уйлари бузиб ташланади, деб эълон қилдилар. Босқинчилар Тельмалих аҳоли пунктида ўзларига қарашли ерларда ҳарбий аэродром қуришга тўсқинлик қилишга ўринган арабларни кўплаб қамоққа олмоқдалар.

● **ВАШИНГТОН.** Пентагон техника хавфсизлигининг энг оддий талабларига риоя қилмай, ҳарбий объектларда ишлаётган кишиларнинг соғлиги ва ҳаётини хавф остига қўймоқда. Давлат хизматчилари касаба союзининг маълум қилишича, меҳнатни муҳофаза қилиш нормалари қоидалари йўқлиги туфайли Ют штатидаги Хилл ҳарбий-ҳаво базасидагина кейинги йилларда зарарли химиявий моддалар билан доимо ишлолиб борганликлари туфайли, 100 дан ортиқ ишчи ҳалок бўлган, мингдан ортиқ ишчининг соғлигига қаттиқ зарар етказилган.

● **ДЕҲЛИ.** Планлаштириш министри Ш. Б. Чаванниг парламентда айтишича, 1980—81 молия йилида қишлоқ камбағалларидан иборат 2,2 миллион оила давлатдан ҳар хил ёрдам олиб турган. Ҳиндистонни социал-иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик плани даврида (1980—1985 йиллар) камбағалларга ёрдам программасига мувофиқ 15 миллион оила ҳар хил ёрдам олади. Бу оилалар ҳозирги вақтда расмий равишда белгиланган «қашшоқлик даражаси»дан ҳам паст даражада кун кечирмоқда.

● **АНТАНАНАРИВУ.** Рейган маъмуриятининг олиб бораётган молиявий сиёсати ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ларзаларга сабаб бўлмоқда ва уларнинг экономикасига путур етказмоқда. Маврикия молия министри В. Ринг гаду Вашингтоннинг банк учет ставкасини анча ошириш тўғрисидаги қарорига тўхталиб, шундай деди. Учет ставкасининг кўтарилиши долларнинг қийматини анча оширди.

(ТАСС, 24 август).

ЎҚИШ ҲАҚИ ОШИРИЛМОҚДА

МАДРИД, 24 август. (ТАСС). Испания маъмурлари мамлакат студентларига ажойиб «совға» тайёрлаб қўйишди. Сентябрь ойининг ўрталарида бошланадиган янги ўқув йили арафасида бу ерда декрет эълон қилинди. Декретда айтилишича, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш учун тўланадиган ҳақ яна 25—30 процент оширилади.

УЧЛИК МАКРИ

КЕЧИНГИ вақтда Вашингтон билан Пекин Покистонга алоҳида бир қизиқиш билан қарамоқдалар. Улар Покистонга кўплаб қурол ва ҳарбий техника етказиб беришни ваъда қилмоқдалар, уни «совет хавфи» билан қўрқитиб, АҚШнинг Ўрта Шарқ ва Ҳинд океани районига оид стратегик режаларида қатнашишга «таклиф этмоқдалар».

Исломободга Вашингтон ва Пекиндан келувчилар кўпайиб кетди. Шу арбоблар, айниқса АҚШдан келганлари, Покистонни Американинг жандармлик таянчи ва ҳарбий плацдармига айлантиришдан иборат ёвуз мақсадларини яширмаяптилар. Бу ерда доимий асосда Америка қўшинлари жойлашиши керак.

Исломободга эса розилиги, мўмин-қобиллиги учун Қўшма Штатлар мўмайгина пул — 3 миллиард доллар ваъда қилмоқдалар. Фақат бу миллиардлар Покистон халқи учун эмас, балки яна ўша америкаликлардан қуролярог сотиб олиш учун берилмоқда. Пекин ҳукмдорлари эса АҚШнинг хавфли планларини «сукут—аломатдан розо» қабилида маъқуллаяпмоқдалар.

Шу тариқа Покистоннинг ҳарбий қувватини унинг тарихида мисли кўрилмаган даражада кучайтириш мўлжалланмоқда. Шуни айтиш кифояки, америкаликларга берилган «кечиктириб бўлмас эҳтиёжлар рўйхати»га 800 дан зиёд энг янги танк ва бронетранспортёр, 250 га яқин самолёт ва вертолёт, 40 та кема жумладан, 30 эсминец ва сув ости қайиқлари, зенит ва танкка қарши отиладиган ракеталар, артиллерия тўплари ва ҳоказо қуроллар киритилган. Саудия Арабистони пулини тўлайдиган 30—40 та Ғ-16 қирувчи-бомбардимончи самолётлар бу ҳисобга кирмайди. Покистонга кўрсатиладиган «ёрдам»нинг умумий ҳажми шу тариқа 4 миллиард сўмдан ошиб кетади.

Бу ишда Пекин ҳам Вашингтондан орқада қолмаётир. У ҳозиргача Исломободга жами 2 миллиард долларлик ҳарбий техника етказиб берди. Ҳиндистонда чиқадиган «Трибюн» газетасининг хабар беришича, шу йил сентябрида Покистон ҳарбий кучлари Хитойдан кўплаб қўшимча ракеталар, танклар, вертолётлар, самолётлар ва бошқа ҳарбий техника олади. Афғон аксил инқилобчиларини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган қуроллар бу ҳисобга кирмайди.

Шундай савол туғилиши табиий: ҳеч ким хавф солмаётган бир мамлакат учун бу қурол-яроғлар кўплик қилмайдими? Ҳарбий эмас, иқтисодий ёрдамга зўр муҳтожлик сезаётган Покистонга шунча қурол нега керак? Жавоб мана бундай: «Вашингтон Покистон фронт давлати бўлиб қолишини ҳоҳлайди, — деб таъкидлайди Покистонда чиқадиган «Вьюпойнт» ҳафталиги. — Вашингтон катта ўйинда Покистондан ниёда сифатида фойдаланиш мумкин, деб умид боғламоқда».

Америка шарҳчилари шу муносабат билан очиқдан-очиқ бундай дёмоқдалар: Покистон территориясидан АҚШ қуролли кучлари истаган мақсадда фойдаланиши учун рухсат олиш ниятида Покистонга ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларини жойлаштириш; уни афғон исёнчиларига келиб турган қурол-яроғларни олиб ўтадиган жойга айлантириш ва ниҳоят, Афғонистонга қарши эълон қилинмаган уруш олиб боришдан иборатдир.

Ўтмишда мамлакат ҳарбий блоклар билан чамбарчас боғлаб ташланган эди. Наҳотки, Покистон ҳукмдорлари ана шу ўтмишдан, шоҳ ҳукмронлик қилган Эрон тарихидан сабоқ олмаган бўлсалар?

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Афтидан сабоқ олишмаганга ўхшайди. Бирмунча вақт илгари Покистон Америкининг ҳарбий ёрдамини рад этган бўлса, энди унинг ўзи шундай ёрдамни талаб олаяпти.

Исломобод сиёсатидаги бундай бурилишни мамлакатнинг АҚШ шу региондаги агрессив планларининг қобил ижрочиси ролини бажаришга яна қайтганлиги, деб баҳолаш керак. Бу эса Покистон халқи учун ҳам, қўшни мамлакатлар халқлари учун ҳам оғир оқибатларга олиб келади.

ХХР Давлат кенгашининг Бош министри Чжао Цзиян Исломободга яқинда қилган визити вақтида Покистоннинг ҳарбий мускулларини янада кучли қилиш лозимлигини айтди ва Зиёвул Ҳақ тузумининг мамлакатни милитарлаштиришга қаратилган йўлини тўла қўллаб-қувватлажагини айтди. Шу ўринда ХХР Бош министрининг сўзи бошқа, иши бошқа бўлиб қолмади: Хитойдан Покистонга Қоракурум тог йўли орқали қурол-яроғ оқиб келинмоқда, на фақат Афғонистон, балки Ҳиндистон чегарасида ҳам қурол-яроғ базалари ва босқинчиларни тайёрлаш марказлари ташкил этилмоқда.

Покистоннинг жуда кўплаб қурол тўпланаётганлиги, унинг ҳарбий тайёргарлиги теллаштираётганлиги ва Афғонистон билан урушни авж олдираётганлиги Исломободнинг қўшни мамлакатлар билан муносабатларини мураккаблаштирмоқда.

Бу аввало, Деҳлида асосли равишда хавф-хатар уйғотмоқда. Покистон ҳарбийлари қўлидаги Америка қуроли аввал ҳам Ҳиндистонга қаратилган, деб Деҳлида ҳақ гапни айтмоқдалар. Индира Ганди ҳукумати шуни таъкидладики, Покистоннинг милитаризашуви ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш жараёнини қўпоради, регионда кучлар балансини бузади. Ҳа, худди шундай. Покистон ҳарбий машинасининг қуввати Америка ва Хитой томонидан икки марта оширилганидан сўнг регионда, шубҳасиз, ҳарбий мувозанат бузилади.

Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати Покистонга бир неча маротаба мурожаат қилиб, муносабатларни тинч йўл билан нормаллаштиришни таклиф этди. Бироқ, Исломобод Вашингтондан берилаётган маслаҳатларга қулоқ солишни афзал кўрмоқда ва Афғонистон билан тинч мулоқот қилишдан бош тортмоқда.

Полковник А. ФЕДОРОВ,
ҳарбий фанлари кандидати.

(АПН).

БУГУНГИ ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ





Кейинги йиллар мобайнида республикамиз пойтахтининг Халқлар дўстлиги проспектида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий усулда қурилган кўп қаватли маданий-маиший ва турар-жой бинолари, кенг ва равон кўчалар, атрофнинг кўкаламзорлаштирилиб, ободонлаштирилгани проспект чиройига-чирой қўшиб турибди. Суратларда: Халқлар дўстлиги проспектида.

А. Абалян фотолари.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ АЛИФБОСИ

Кўп одамларни зўр ҳаяжонга солган бу ҳодиса Москва яқинидаги Подольск шаҳрида юз берди. Иккита серқатнов кўча — Плещеевская ва Суворов кўчалари чорраҳасида икки қиз туришарди. Улар мактабдан қайтиб, принципи юк машинаси ўтиб кетишини кутиб асфальт чеккасида туришарди. Ира йўл томонга қараб турар, Наташа эса суҳбатга берилиб, йўлнинг қатнов қисмига тескари турарди. Юк машинаси кескин ўнгга бурила бошлади. Шу пайт прицеп юк машинасидан бироз ўнгроққа ўтиб, жуда яқин келиб қолди. Лекин Наташа буни кўрмади. Машина силкиниб прицепнинг чеккаси қизга тегиб кетди, қиз ўзини тутиб туролмай, йиқилиб тушди. Унинг плашчи этаги орқа ғилдирак тагига кириб қолди.

Қий-чувни эшитган ҳайдовчи дарҳол тормоз берди. Наташа қўрқиб кетган эди.

Бурилишда прицеп машинадан ўнгроққа сурилиши мумкинлиги ва эҳтиётсиз йўловчилар учун хавф туғдириши ҳайдовчиларга маълум нарса. Лекин буни йўловчилар билишадими?

Мактабларимизда бўйруқлар ва кўрсатмалар билан жорий этилган ҳаракат хавфсизлиги машғулотлари амалда мажбурий бўлмай қолди. Уларни мактаб дарс жадвалларида учратмайсиз, дафтарлар, уй топшириқлари, контроль ишлар, имтиҳонларда ҳам одатда уларнинг «изи»ни кўринмайди. Бунинг устига кўчани кесиб ўтаётганда вужудга келиши мумкин бўлган қўпгина вазиятлар тўғрисида бу дарсларда гапирилмайди. Кўчадаги бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабаби — кўчани яқинлашиб келаётган транспорт олдидан кесиб ўтишда, деб ҳисобланади. Ана шундай яқинлашиб келаётган машина олдидан кўчани кесиб ўтмаслик керак, деган хулоса чиқарилган. Бироқ, йўлларда болалар дуч келган қўпгина ҳодисаларни мукаммал ўрганиб чиқилганда шу нарса маълум бўлдики, ўнта ҳодисадан тўққизтасида болалар ҳар хил сабаблар туфайли яқинлашиб келаётган ана шу машинани **вақтида кўрмаган-лар**. Бинобарин, болаларни йўлни кўришга ўргатиш, ҳодисалар кейин қандай давом этишини олдиндан кўра билиш керак.

Болаларни ҳаракат хавфсизлигига ўргатиш бирмунча конкрет бўлиши лозим. Унда кўчани кесиб ўтаётганда содир бўладиган реал вазиятларнинг ҳамма хил кўринишларини ҳисобга олмоқ керак.

Лекин умуман ҳодисани таҳлил этиш мумкинми?

Ҳозирги вақтда олимлар ҳодисани таҳлил этиш ва олдиндан айтиб бериш мумкин, уни бошқарса бўлади, деб таъкидламоқдалар. Биз ҳодисанинг олдини олишнинг сира иложи йўқ, деб бехуда хулоса чиқарамиз. СССР Фанлар академиясининг бошқариш проблемалари институти ва Ҳисоблаш маркази хилма-хил ҳодисаларни ўрганиш учун математик, эҳтимоллар методидан фойдаланадилар.

Умуман тадқиқотнинг бу хил методи, уни вазиятга қараб ёндашиш деб ҳам атайдилар, ҳозир мураккаб техник комплексларни, йирик корхоналарни, электростанцияларни бошқаришда кенг қўлланилмоқда. Вазиятга қараб ёндашиш методи ҳар хил мураккаб вазиятларни олдиндан «ишлатиб кўриш»га, ҳодиса ва авариялардан огоҳлантиришга эътиборни жалб қилиш имконини беради.

Бундай усулни ҳозирча ҳар куни йўлларда содир бўлиб турган бахтсиз ҳодисалар таҳлилида қўлланса қандай бўларкин?

Лаборатория бошлиғи А. Добрушин раҳбарлигидаги РСФСР Автомобиль транспорти министрлигининг бир группа тадқиқотчилари вазиятга қараб ёндашиш нуқтаи назаридан йўллардаги хилма-хил вазиятларни ва боланинг бундай вазиятларда ўзини тутиш эҳтимолини биринчи марта ўрганиб чиқдилар.

— Олимлар кўпдан-кўп бахтсиз ҳодисаларни тадқиқ қилдилар, фалокатга учраган болалардан, гувоҳлардан, қариндош-уруғлардан эринмай сўраб-суриштирдилар. Маълум бўлишича, кўп ҳолатларда бир-бирига ўхшаш вазиятларнинг муайян миқдори учраар экан. Улар биз ўйлагандан ҳам кўпроқ ва хилмахилроқ экан. Лекин уларни таҳлил қилса бўлади.

Қизалоқ Москва яқинидаги шаҳарнинг энг серқатнов магистралларидан бирини кесиб ўтаётган эди. Кўчанинг ирмига келганда у ўртада «йўловчилар учун ажратилган жой»да кутиб турарди. Лекин аслида бу йўловчилар учун ажратилган жой бўлмай, чизиқдир. Унг ва чапдан машиналар оқими қаршима-қарши келарди. Ҳаммаси қандайдир бир лаҳзада юз берди. Яқинда турган одамлар, кейин кимдир кўчанинг нариги томонидан Танани баланд овоз билан чақирди, деб айтишди. Қиз ўша ёққа қараб, овоз келган томонга югран... ва уни машина уриб кетган.

Албатта, юз берган ҳодисадан кўчада юриш қоидаларини болаларга ўқитадиган ҳамма одам хулоса чиқариши керак. Кўчанинг ўртаси — хавфсиз жой эмас. Бу ерда хотиржам туриш ва асабларни сақлай билиш керак. Машиналар оқими кўпайдими, бу нозик вазиятда хавф ортади...

Ҳар куни йўлларда болалар дуч келадиган бахтсиз ҳодисалар юз бериб турипти. Болалар жароҳатланишининг бу хили, минг афсуски, ҳозирча камаймаяпти. Мамлакатда болалар жароҳатланишига қарши комиссиялар тузилган, кўпгина тарбиявий иш олиб борилмоқда. Лекин, назаримизда, бу иш ҳамма вақт ҳам конкрет олиб борилаётир, деб бўлмайди. Хусусан, кўчаларда юриш хавфсизлиги дарсларини кўп жиҳатдан ўзгартириш керак. Ҳозирги кўчаларга транспорт тобора тиқилиб кетмоқда.

Бир неча йил муқаддам Таллинда шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ходимлари, биз юқорида эслатган лабораториянинг А. Добрушин бошлиқ мутахассислари ва Эстония пойтахтининг ўқитувчилари вазиятга қараб ёндашиш усулини қўллаш билан ишлаб чиқилган таълимнинг янги формасини жорий эта бошладилар.

«Яқин келаётган транспортнинг олдидан кўчани кесиб ўтма!» Бу қоидани ёдлаб олган бола машинани ўтказиб юборибгина, дарҳол кўчадан ўта бошлайди. Шунда бирдан бошқа, қаршидан келаётган машина пайдо бўлиб қолади. Бу машинани олдингиси тўсиб турарди. Машина ўтиб кетгандан кейин, йўл бутунлай бўшагунча бироз кутиш керак эди. Ана шундай оғирна тузатиш киритилмаса қоида кўп ҳолатларда ёрдам беролмайди...

Таллинда махсус альбом чиқарилди. Унда ҳозирги шаҳар кўчаларидаги бир-бирига айнан ўхшаш вазиятлар баён қилиб, тасвирлаб берилган. Альбом болаларни, уларнинг ота-оналари ва автотранспорт ҳайдовчиларини кўчада юриш қоидаларига ўргатишда яхши ёрдам берди.

...Подольск шаҳри мактабида болаларни вазиятга қараб ўқитиш дарси кетмоқда. Бу ерда ҳамма нарса конкрет мисолларда ўргатилиб, улардан қоида чиқарилади. Мана, дарс олиб бораётган юқори синф ўқитувчиси икки вазиятни кўрсатмоқда. Бир одам чорраҳада йўлни кесиб ўтмоқда, иккинчиси автобус бекатида турибди. Қаерда кўчадан ўтиш хавфлироқ? Болаларнинг бир қисми: чорраҳада ўтиш хавфлироқ, деб тез хулоса чиқаришди. Бироқ, статистика маълумотлари бошқача: бахтсиз ҳодисалар тўхташ жойи яқинида ғирмунча кўпроқ юз беради. Нега? Болалар бирга сабабини излашади. Унинг сабаби оддий. Чорраҳа олдида бутун эътибор бир ерга жамланган бўлади, биз бу ерда хушёр бўлиш кераклигини яхши биламиз. Бекатда эса турган автобус бизга хавфсиз туюлади. Бироқ, аслида у йўлни кўришга жуда халақит беради. Айтгандек, турган автобусни қандай айланиб ўтиш керак? Ҳамма орқасидан ўтиш керак, деб жавоб беради.

Йўқ, яхшиси айланиб ўтмаган маъқул, деб жавоб беради дарс бераётган ўқитувчи. Автобус юрсин, сўнг йўлни белгиланган жойда кесиб ўтиш керак. Шундай хулоса чиқариш билан дарс тугамайди. Ҳамма кўчага чиқиб, дарсда ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлайди.

Подольскда ҳозир болаларга ана шундай билим берилмоқда. Экспериментдан яхши натижалар кутишаётир.

Натижа ҳам чакки эмас. Таллинда кўчада юриш-туришнинг янги таълим системаси жорий этилгач, болалар дуч келадиган бахтсиз ҳодисалар 23 процентга камайди.

Ҳозирги шаҳарларда яшаётган болаларда олдиндан билиш кўникмаларини ёшликдан шакллантириб бориш керак. Ҳозирги кўчаларда хатолар асосида ўрганиш — яъни шикастланиш, асабларни бузилиши асосида ўрганиш мумкин эмас. Хато қимматга тушиши мумкин. Бинобарин, болани вазиятларни таҳлил этиш механизмини ишлатишга ўргатиш, уни ҳодисалар қай тарзда ривожланишини олдиндан кўра билишга ўқитиш керак. Бунга фақат болаларнигина ўқитиш кифоя қилмайди. Москва областида, чунончи автобус ҳайдовчилар билан «Йўлни кесиб ўтаётганда хато қилиб қўйган болани қандай эҳтиётлаш керак» деган машғулот ўтказмоқдалар.

Москва яқинидаги Климовск ва Троицк ҳамда юқорида биз эслатган Подольск шаҳарларя мактабларида ҳаракат хавфсизлиги дақиқалари деб аталган дарслар ўтилмоқда. Дарс ниҳоясида, болалар уйга кетиш олдидан ўқитувчи улар билан кичкинагина дарс ўтади: битта савол беради. Бу савол биронбир конкрет вазият билан боғланган бўлади. Болалар ўқитувчи билан бирга тахминлар қилиб, энг яхши йўлини топишади. Ана шундан кейин диққатни бир жойга йиғиб, кўчага чиқишади.

Ҳозир мамлакатнинг бир неча шаҳарларида болаларни кўчаларда хавфсизлик қоидаларига ўргатишнинг янги усуллари муваффақиятли жорий қилинмоқда. Бизнингча, вазиятга қараб ёндашиш таълимини кенгроқ миқёсда кечиктирмай жорий этиш зарур. Назаримизда, СССР Маориф министрлиги Таллин ва Подольск тажрибасини кўриб чиқиб, мамлакат мактабларида жорий этишнинг энг мақбул методини танлаб олиши керак. Янгича ўқитиш методининг афзаллиги равшан. Уни дадилроқ жорий этиш лозим.

Д. АГЕИКИН,
профессор, СССР Фанлар академияси бошқариш проблемалари институтининг лаборатория мудири.

С. ДОЛЕЦКИЙ,
СССР Медицина фанлари академияси мухбир-аъзоси, СССР Давлат мукофоти лауреати.

П. СИМОНОВ,
профессор, СССР Фанлар академияси олий нерв фаолияти ва нейрофизиология институти лаборатория мудири.

(«ИЗВЕСТИЯ»дан).

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● СУЗИШ. Киев шаҳрида сузиш бўйича СССР ва АҚШ терма командаларининг учрашуви бўлиб ўтаётир. Мусобақаларда тошкентлик мактаб ўқувчиси Лариса Белоконь юксак маҳорат кўрсатди.

200 метрга брасс усулида сузишга старт берилмасдан олдинроқ кутилмаган ҳодиса рўй берди. Бу баҳсда мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қиладиган СССР чемпиони А. Бузелите тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Унинг ўрнини қисқа масофаларга сузиш устаси Лариса Белоконь эгаллади ва 2 минут 33,80 секунд вақт сарфлаб маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шунингдек, ҳамшаҳримиз 100 метрга сузишда 1 минут, 10,5 секунд натижа билан биринчи ўринни олди. Бу республиканинг янги рекордидир.

● ФУТБОЛ. Кеча «Пахтакор» ўз майдонида пойтахт спартакчиларини қабул қилди. Командаларнинг дублерлар баҳсида 2:1 ҳисоби билан меҳмонлар ғалаба қозондилар. Ўтган жума, шанба кунлари олий лига командаларининг уч учрашуви бўлиб ўтди. Уларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Қайрат» — «Спартак» — 0:2, «Динамо» (К) — «Шахтёр» — 2:1, «Днепр» — «Динамо» (Тб) — 1:0.

«Пахтакор» — «Динамо» (Москва) матчи 12 сентябрга кўчирилди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Марказий «Пахтакор» стадионида енгил атлетика бўйича республика шахсий-команда чемпионати бўлиб ўтди. Командаларнинг ўринларя қуйидагича тақсимланди: «Меҳнат», «Буревестник», «Меҳнат резервлари». Шахсий ҳисобда чирчиқлик Геннадий Белков муваффақият қозонди. У 2 метр 24 сантиметр баландликка сакраб, республика янги рекордини ўрнатди. Чирчиқлик яна бир спортчи Галина Ен ядрони 17 метр 93 сантиметрга улоқтириб, республика рекордини такрорлади. Тошкентлик Петр Воробьев 100 метрга югуришда 10,3 секунд натижа кўрсатиб, биринчи ўринни олди.

● ШАХМАТ. Кеча республика шахмат-шашка клубида ўтказилган республика очиқ чемпионатида сўнгги тур ўйинлари ўтказилди. Совриндан ўчун бир йўла уч спортчи даъвогарлик қилмоқда. Улар Омск шаҳридан Игорь Белов, иркутсклик Александр Шелк ва чинозлик Владимир Логиновлардир. Ҳар уч спортчи ҳам ўн имкониятдан 8,5 тадан очко жамгарган.

ҒИЛДИРАКЛИ КОНЬКИЛАРДА РАҚС

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи Маданият саройида мана икки йилдирки, болалар хореографик ансамблининг экспериментал ғилдиракли коньки группаси ишлаб турибди. Болалар ўз чиқишлари билан кўпчиликни ҳушнуд этишмоқда. Ансамблга Тошкент Маданият институтининг битирувчиси Ольга Томилина раҳбарлик қилади.

Бу ерда ишчиларнинг юздан ортиқ ўғил-қизлари ғилдиракли конькиларда рақсга тушиш сирларини қунт билан ўрганмоқдалар. Республикамизда ягона бўлган бу группа ёш бўлишига қарамай, бир неча марта район шаҳар, область ва республика ҳаваскорлик ансамбларининг кўригида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Маданият саройида янги ташкил қилинган «Ер юзи оҳанглари» замонавий рақс тўгараги эса завод ёшларини ўзига жалб қилиб, уларга жаҳон халқлари рақслари, уларнинг яратилиш тарихини билиб олишда катта ёрдам бермоқда.

Яқинда ёш санъаткорлар Чирчиқ, Бухоро, Навоий шаҳарларида ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

О. ИСРОИЛОВА.

ЯНГИ ЎҚУВ ИЛИ ОЛДИДАН

ҲАЙР, БОҒЧАЖОН!

С. Раҳимов районидаги 106-болалар боғчасида кичкинтойларни мактабга кузатишга бағишланган «Тонги сайил» бўлиб ўтди. Бу байрамда ота-оналар, боғча тарбиячилари, район халқ маорифининг вакиллари иштирок этдилар.

— Қадрли ота-оналар, — деди боғча мудираси Г. М. Юнусова, — бугун сиз ва биз кичкинтойларимизни мактабнинг биринчи синфига кузатишга бағишланган тантанага йиғилдик. Шуни мамнуният билан айтамизки, жажжи ўғил-қизларни улғайтириш, савиясини орттириш учун бор имкониятлардан фойдаланилди. Партия ва ҳукуматимиз таъкидлаганидек, ҳамма яхши нарсалар болаларники, озода, шинам дам олиш хоналари, музика заллари, турли-туман ўйинчоқлар, кичкинтойлар кутубхонаси, лаззатли таомлар тайёрлаб берадиган ошхона фарзандларимиз хизматида бўлди.

Мудира тайёрлов группаси болаларига оқ йўл тилади.

Залда музика янграйди, болалар ўзларининг машғулотларини намойиш қилишади. Ўртоқ Ленин ҳақидаги шеърлар, рақс ва қўшиқлар кўрсатилган миниатюралар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Байрам қизиқарли кайфиятда ўтди. Уни уюштиришда методист В. Г. Гавришина, музика раҳбари А. А. Абдуллаевалар-нинг хизматлари катта бўлди. Тарбиячилардан А. Султонова, М. Ғафурова, Р. Умарова, М. Тошпўлатовалар ҳам кузатув байрамида актив қатнашдилар.

Фарзандлари боғчада тарбия олган қатор ота-оналар миннатдорчилик сўзлари билан чиқдилар.

Д. ЖАМИЛОВА.

Реклама ва эълонлар

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

25—26 АВГУСТ СОАТ 20.00 да

Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати, шоир Илья РЕЗНИКнинг

АВТОРЛИК КОНЦЕРТЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

Турли йиллар қўшиқлари ва шеърлари

«ШАРҚ ЦИКЛИ»

Раймонд ПАУЛС музикаси (премьера).

Узбекистон композиторларининг қўшиқлари

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, социалистик мамлакатлар қўшиқларини энг яхши ижро этганлиги учун конкурси лауреати

«НАВО» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Социалистик мамлакатлар қўшиқларини энг яхши ижро этганлиги учун конкурси лауреати (биринчи мукофот)

«САДО» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Программани Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Евгений ШИРЯЕВ ва Светлана ТАГИРОВА олиб борадилар.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда.

«КАЗАХТРАНСТЕХМОНТАЖ» трестининг

44-«ВОДРЕМ»

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» трестига қарашли

84-ШАҲАР УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА УҚИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА

ҚАБУЛ УТКАЗАДИ

СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК. Уқиш муддати — 1,5 йил;

ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ. Уқиш муддати — 6 ой.

УҚИШ тугагандан сўнг Тошкент шаҳри ва Тошкент областида иш берилади.

Меҳнат ҳақи — ишбай, мукофотли, иш кўчма характерлиги учун 30 процент қўшимча қўшиб берилади.

3 йил ичида квартира билан таъминланадилар. Елғизларга Тошкент шаҳрида прописка ва ётоқхона берилади.

Йилда бир марта темир йўлда юриш учун бепул билет берилади, ҳар йили йил охирида мукофот пули (13-ойлик) тўланади ва 1932 йил июлдан бошлаб тариф ставкаси бўйича мукофот берилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 70-уй (1, 5, 2, 10-трамвайлар, 25, 66, 39, 55, 91, 63, 22-автобуслар-нинг «Космос» магазини бекати).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 АВГУСТ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Гарибларь». Фильм-спектакль. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Инсон ерда. 16.05 — Л. Шостакович. 2-концерт. 16.40 — Болалар учун фильм. 17.45— Оналар мактаби. 18.15 — Ешлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Телевидение экранида биринчи марта. Ф. Амировнинг «Минг бир кеча» балети. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Киев). 22.45 — Дунё воқеалари.

УзТВ-I

11.30 — Мультфильм. 11.45 — Фильм-концерт. 12.10 — Болаликнинг сўнгги ёзи. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 13.15 — Болалар учун концерт. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Ҳайр, пионер ёзи. 19.10 — Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 Мирзачўлни ўзлаштиришнинг 25 йиллигига. Ерим—тақдирим. Ҳужжатли фильм. 20.00 —Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига. Замондан ўзиб. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05— Қишлоқ хўжалиги: тажриба ва проблемалар. 22.35 — Телевизион театр. А. Кристи. «Қопқон». 1-қисм.

УзТВ-II

18.05 — Телефильм. 18.35— Болалар учун фильм. 19.20 — Реклама. 19.35 — Ешлик студияси кўрсатади. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчи экрани. 20.50 — Фильм-концерт.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/VIII да Ўн учинчи ранс.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР.

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325834.

Р. 02217. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1702.